№-сонли МИКРОҚАРЗ ШАРТНОМАСИ

Тошкент ш. **й.**

Биз **МЧЖ** кейинги ўринларда матнда «Ломбард» номидан, Устав асосида харакатланувчи директори , бир томонидан, хамда Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорт *(фуқаролик паспорти ёки идентификация ID-карта, янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг яшаш гувоҳномалари ёки ID-карталари, ҳарбий билет ёки ҳарбий қисмлар ёхуд ҳарбий муассасалар томонидан бериладиган шахсини тасдиқловчи ҳужжат*) маълумотлари серияси **№** томонидан йилда ,берилган, яшаш манзили: **,** кейинги ўринларда матнда «Қарз олувчи» деб аталувчи иккинчи томонидан, мазкур шартномани қуйидагилар тўғрисида туздик:

1.Шартнома мазмуни.

1.1. «Ломбард» мазкур шартнома шартларида «Қарз олувчи»га **()** сўм миқдорида гаров асосида пул маблағларини тақдим этади. Микроқарз олиш учун «Ломбард»га гаровга топшириладиган мол-мулк томонлар келишувига асосан баҳоланади.

1.2. «Қарз олувчи» мазкур шартноманинг 1.1. бандида кўрсатилган миқдорда олган пул суммасини, шунингдек йилдаги **№** -сонли гаров паттасида кўрсатиладиган миқдордаги хисобланган фоизларни «Ломбард»га қайтариб бериш мажбуриятини олади.

1.3. Микроқарз бўйича хисобланган фоизлар йиллик **0,00%** ҳисобидан 30 кунга **%** ни ташкил этади этиб, кунлик **0%** ставкасини хосил қилади. Микроқарз бўйича фоизлар микроқарз берилган кундан бошлаб, белгиланган фоиз ставкасига мувофиқ микроқарзнинг ҳақиқий қолдиғига нисбатан ҳар куни ҳисобланади.

1.4. Ҳар бир кечиктирилган кун учун фоизларни ҳисобга олган холда асосий қарз хамда фоиз суммаларидан **%** миқдорида пеня олинади.

1.5. Шартноманинг 1.1. бандида кўрсатилган микроқарз суммаси, «Қарз олувчи»га 30 кунга , яъни йил муддатигача берилади.

1.6. Мажбуриятни таъминлаш сифатида «Қарз олувчи» гаров кўринишида, унга мулкий эгалик хуқуқида тегишли бўлган мулкни (кейинчалик - мулк) тақдим этади, яъни:

1.7. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекснинг 289-моддасига мувофиқ, ломбардга қўйилган гаровлар туғрисида шартнома ломбард томонидан гаров паттаси бериш йули билан расмийлаштирилади.

2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

2.1. «Ломбард» мазкур шартноманинг 1.1. бандида кўрсатилган пул маблағларини «Қарз олувчи»га ушбу шартномани имзоланган пайтидан бошлаб 1 кун ичида тақдим этиш мажбуриятини олади.

2.2. Қарз тақдим этилган сана деб мазкур шартнома имзоланган сана хисобланади.

2.3. Шартноманинг 1.5. бандида ўрнатилган муддат тугаганида «Қарз олувчи» мазкур шартноманинг 2.4. бандида белгиланган тартиб ва шартларида «Ломбард»дан мазкур шартнома бўйича олинган микроқарз суммасини қайтариш, шунингдек «Ломбард»га тўланадиган фоизларни тўлаш мажбуриятни олади.

2.4. Олинган микроқарз суммасини қайтариб бериш «Қарз олувчи» томонидан қуйидаги тартибда амалга оширилади: мазкур шартноманинг 1.5. бандида кўрсатилган микроқарз муддати ўтганидан кейинги кундан кечиктирмасдан, «Қарз олувчи» пул маблағларни қуйидаги манзилда жойлашган «Ломбард» кассасига ёки хисоб ракамига тўлаши/утказилиши лозим: «Қарз олувчи» МЧЖга биринчи навбатда пул маблағларидан фойдаланган бутун муддат ичидаги микроқарз суммасидан **%** хисобидан фоизлар суммаси билан 100% микроқарз суммасини бир вақтнинг ўзида тўлаши лозим.

2.5. «Қарз олувчи» томонидан «Ломбард» микроқарз суммасини қайтариш буйича ўз мажбуриятларини бажариш санаси деб «Ломбард» кассасига ёки хисоб рақамига пул маблағлари келиб тушган сана хисобланади.

2.6. «Қарз олувчи»нинг аризасига ва томонларнинг ўзаро келишувига асосан, микроқарздан фойдаланиш муддатини узайтирилиши мумкин. Бунда микроқарз, мазкур шартноманинг 1.3 бандида кўрсатилган хисобланган фоизларни ўз вақтида тўлаган, шунингдек шартномани 4.2.1 ва 4.4.1. бандларини имзолаган холатдагина икки мартадан кўп булмаган муддатга узайтирилади. Узайтирилган микроқарз буйича умумий муддат - 90 (туқсон) кундан ошмаслиги керак.

2.7. Микроқарз муддатини шартноманинг 4.2.1 ва 4.3.1 бандларида кўрсатилгандек «Қарз олувчи»нинг имзосиз узайтирилиши мумкин, бунда «Қарз олувчи» ва (ёки) учинчи шахс томонидан ушбу шартномада кўрсатилган фоиз ва (ёки) жарималарни ўз вақтида тўланган бўлиши лозим.

2.8. «Қарз олувчи» томонидан мазкур шартноманинг 2.4. бандида кўрсатилган мажбуриятларини ўз вақтида бажарилмаган ёки бош тортган холатда, «Ломбард» имтиёзли бир ой муддати ўтгандан сўнг, мазкур шартноманинг 1.6. бандида кўрсатилган «Қарз олувчи»нинг гаровга қўйилган мулкини, нотариуснинг ижро варақасига асосан қонунчиликда белгиланган холда сотиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, «Қарз олувчи» ушбу шартномага илова қилинган солиштириш далолатномани

имзолайди, солиштириш далолатномасида «Қарз олувчи» томонидан мажбуриятларини ўз вақтида бажарилмаган ёки бош тортган тақдирда ушбу шартнома бўйича шаклланадиган қарз миқдори кўрсатилади. (18.01.2002 й., 26-сонли ВМҚ иловасига мувофиқ)

2.9. Имтиёзли бир ой муддат ичида «Қарз олувчи» қуйидаги мажбуриятларини тўлиқ бажарган холатдагина ўз мулкини гаровдан қайтариб олиш ҳуқуқига эга:

- гаров мулкига қаратиш тўғрисидаги ижро хужжатини олиш бўйича харажатларни қоплаганда;
- жарима суммасини тўлаганда;
- микроқарз буйича фоизларни тўлаганда;
- асосий микроқарз суммасини тўлаганда.

Акс холда «Ломбард» гаровга қўйилган мулкни ижро хужжати асосида мазкур шартноманинг 2.7 бандига асосан сотиш ҳуқуқига эга.

2.10. Карздор олинган кредит суммасини куйидаги тартибда Ломбардга топширади:
Хакикий шартноманинг 1.4 бандига асосан кредит суммаларини Ломбард кассасига манзили буйича актив муддат санасидан кеч колмаган холда топширади. Шу билан бирга, асосий сумма кредитига хисобланган фоиз туловларини хам умумий хисоби %дан куп булмаган микдорда кредитдан фойдаланилган хар бир кун учун тулаши зарур.

2.11. «Ломбард»га, «Қарз олувчи» мазкур шартномада белгиланган қайтариш муддати келгунга қадар, микроқарз суммасини қайтариш ҳуқуқига эга. Бу холатда «Қарз олувчи» пулдаги микроқарз суммаси билан бир вақтда белгиланган тарифлар асосида «Ломбард»га, кредитдан фойдаланган муддати учун фоизларни тулайди.

2.12. Гаров реестрига берилган микроқарзлар тўғрисида маълумотни «Қарз олувчи»нинг талаби асосида киритиш (микроқарз бериш аризасида кўрсатилган) холатида, «Ломбард» ушбу хизмат учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.06.2014 й. даги №155 сонли қарорининг 5 бандига асосан, базавий ҳисоблаш миқдорининг 10%, гаров реестри бўйича кўчирмаларни тақдим этиш учун эса базавий ҳисоблаш миқдорининг 5% тўловларни «Қарз олувчи»дан ундириб олиш ҳуқуқига эга.

2.13. Ўзбекистон Республикасининг "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунига ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга асосан ломбард жисмоний шахсларни идентификация қилиш мақсадида, лозим даражада чора-тадбирларни кўришга ҳақли (операцияларни тўхтатиб туриш, ишга солмай тўхтатиб қўйиш ва ҳоказо).

2.14. «Ломбард» SMS-хабарнома форматдаги билдиришнома юбориш ҳуқуқига эга.

2.15. Буюмга шикаст етказилганда, «Ломбард» мижознинг хохишига кўра, етказилган шикастни ўз ҳисобидан бартараф этади ёки гаров паттасида кўрсатилган буюмнинг баҳоланган суммасида тўлаб беради, бу ҳолда ушбу буюм «Ломбард»нинг мулкига ўтади.

2.16. «Ломбард» гаровга қўйилган мулкни, кредит муддати давомида ўз хисобидан сугурталаш мажбурияти ўз зиммасига олади.

2.17. Ломбард» гаровга қўйилган мулкни микроқарз муддати давомида, сақлаш мажбуриятини олади. Агарда мижоздан қабул қилинган буюм йўқолган тақдирда, «Ломбард» мазкур шартноманинг гаров паттасида кўрсатилган буюмнинг баҳоланган суммасида тўлаб беради.

2.18. Барча операциялар (гаров, қайта гаров, сотиш, сақлаш учун топшириш) фақат мижознинг шахсини тасдиқловчи хужжат кўрсатган холда бажарилади.

2.19. «Қарз олувчи», «Ломбард»га шартнома буйича мажбуриятларни бажариш учун шахсий маълумотларини аралаш ишлов бериш оркали қайта ишлашга розилик беради, шу жумладан йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, аниқлаштириш (янгилаш, ўзгартириш), чиқариб олиш, фойдаланиш, узатиш (таъминлаш, бериш), эгасизлантириш, блокировка қилиш, ўчириш, йўк қилиш.

2.20. «Ломбард», «Қарз олувчи»га Ўзбекистон Республикасининг шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги амалдаги қонунчилигида белгиланган талабларга мувофиқ «Қарз олувчи»нинг шахсга доир маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўришни кафолатлайди.

3. Бошқа шартлар.

3.1. Мазкур шартнома хар бир томон учун биттадан, шунингдек нотариал идорага бир нусха, жами уч нусхада тузилган.

3.2. Томонларнинг келишуви бўйича шартнома ўзгартирилиши ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Мазкур шартномага барча ўзгаришлар ва қўшимчалар ёзма равишда ва томонлар имзоланган бўлиши лозим. Ёзма шаклига риоя этмаслик ҳар кайси ўзгаришлар ва қўшимчаларни ҳақиқий эмаслигига олиб келади.

3.3. Томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилигига мувофиқ белгиланади, лекин «Қарз олувчи» мазкур шартнома бўйича мажбуриятларини таъминловчиси бўлган гаров буюмларни хақидаги маълумотларни ҳаққонийлига шахсан жавобгар хисобланади.

3.4. Мазкур шартнома бўйича ҳисобланган фоиз, комиссия ва неустойканинг жами суммаси асосий микроқарз суммасининг ярмидан кўп миқдоридан ошмаслиги лозим.
3.5. Мазкур шартнома бўйича вужудга келадиган низоларни томонлар музокара олиб бориш йўли билан хал этиши лозим. Агар томонлар музокара вақтида келишувга кела олмасалар, унда низо ўрнатилган меъёрий хужжатлар талабларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан судда кўриб чиқилиши лозим.
3.6. Шартнома томонлар ўз шартномавий мажбуриятларини тўлиқ бажаргунларига қадар амал қилади.

4. Қўшимча шартлар.

4.1. Томонларнинг ўзаро келишувига асосан фоиз ___% гача камайтирилди/оширилди.
4.2. "___" _____ 20__йилдаги **№**-сонли микроқарз шартномасига қўшимча келишув.
4.2.1. Томонларнинг ўзаро келишувига асосан микроқарз
"___" _____ 20___ йилдан "___" _____ 20___ йилгача узайтирилади.

Рахбар: _____ Қарз олувчи: _____
(имзо) (имзо)

Бухгалтер-назоратчи: _____
(имзо)

4.3. Томонларнинг ўзаро келишувига асосан фоиз ___% гача камайтирилди/оширилди.
4.4. "___" _____ 20__йилдаги **№**-сонли микроқарз шартномасига қўшимча келишув.
4.4.1. Томонларнинг ўзаро келишувига асосан микроқарз
"___" _____ 20___ йилдан "___" _____ 20___ йилгача узайтирилади.

Рахбар: _____ Қарз олувчи: _____
(имзо) (имзо)

Бухгалтер-назоратчи: _____
(имзо)

5. Томонларнинг манзил ва реквизитлари

ЛОМБАРД	**ҚАРЗ ОЛУВЧИ**
Номи:	**ФИШ:**
Манзил:	**Паспорт маълумотлар:** , берилган сана й. амал
Реквизитлар:	килиш сана йгача.
	Манзил: .
	ИНН:
тел:	**Тел:**

Рахбар: _____ Қарз олувчи: ✓ _____
(имзо) (имзо)